ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҚАЙТА ҚУРИШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

# ТАЯНЧ НУҚТАЛАРИ

## ИШОНЧ

Ишонч! Бу туйғу инсон қалбининг мусаффо чашмасига айланиб, унга куч-қувват, қудрат бағишлаб туради. Нарпай район партия комитети бюроси мажлисида ёш, баркамол йигит-қизларга ишонч билдиришганда улар энг аввало ишонч, коммунистнинг маънавий қиёфаси ҳақида ўйлашгани сезилиб турарди.

Чунки кейинги йилларда районда ана шу тушунчалар поймол қилинганди. Хўжалик раҳбарлари, айрим коммунистлар қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик гирдобига ғарқ бўлдилар. Уларнинг калтабинликлари туфайли район экономикасига путур етди. Колхоз-совхозларнинг жорий счётида пул қолмади. Бу ўз навбатида қурилиш, турмуш маданияти юксалишига салбий таъсир кўрсатди.

Бюро мажлисида КПСС аъзолигига қабул қилинаётганларга коммунистнинг маънавий қиёфаси ҳақида савол беришганда, улар шаксубҳасиз ана шу тўғрида фикрлашди ва жавоб қилишди.

— Бизнинг колхозда ҳам халқ ишончига, эътиқодига оёқ қўйганлар бўлди, — деди «Ўзбекистон» колхози механизатори Шерали Бозоров. — Улар қилмишларига яраша жазо олдилар. Лекин улар етказган зарарларнинг ўрни ҳали ҳам қопланган эмас. Пахтакор номига доғ туширишди. Ҳозир биз ана шу доғни ювиш, шуҳратимизни тиклаш учун кеча-ю кундуз ишлаяпмиз.

Кандидатлик синовини муваффақиятли ўтаган Мухтарама Иброҳимова, Жўрақул Муродиллаев, Ғофир Худойбердиевлар ҳам ана шундай фикр билдиришди. Бюро мажлисидан аъло кайфият билан чиққан ёш коммунистлар ҳамкасблари ишлаётган меҳнат майдонига йўл олдилар. Улар эртаги куннинг бунёдкорлари. Қайта қуриш, жадаллаштириш вазифаларининг ижрочилари ҳам шулар.

— Мен бир неча йилдан буён қурилишда ишлайман, — дейди Ж. Муродиллаев. — Сиртдан институтни битирдим. Бугун юксак ишонч билдиришди, унга муносиб бўлиш ҳақида ўйлаяпман. Бюро мажлисида 2-ремонт-механика заводи мастери Ғофир Худойбердиев ҳақида илиқ гаплар айтилди. Унинг билимдонлиги, ишчанлиги, техника жонкуяри эканлиги кўпчиликка маълум. У энди коммунист. Бундан кейин янада самарали ишлайди. Унга ўхшагим, шундай обрў қозонгим келади.

Район қайта нафас олаётганидек, унинг бағрида камол топаётган кадрлар ҳам янгича руҳ, қатъият, ишонч билан яшамоқдалар. Бюро мажлисидан сўнг район партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Нормуродов билан мулоқотда бўлдик.

— Партия сафига қабул қилишда ниҳоятда талабчан бўляпмиз, — деди у. — Чунки бугун қинғир йўл билан орамизга суқилиб кирган киши эртага йўлимизга ғов бўлади, фаолиятимизга зарба беради. Ўтган бюро мажлисида олти кишини КПСС аъзолигидан чиқардик. Улар жиноят йўлига кирган, умум манфаатини менсимаган, бойлик орттиришга берилиб кетган шахслар эди. Таассуфли томони шундаки, бир пайтлар уларнинг қадам олишларини била туриб, тавсиянома берилган, хатти-ҳаракатлари маълум бўлган ҳолда мақтовлар билан рағбатлантирилган. Бошланғич партия ташкилотлари эса принципсизлик қилишган.

Шунинг учун ҳам қайта қуриш оғир кечмоқда. Лекин аллақачон унинг таъсири, кучи сезилди. Район қаддини анча тиклагани ўтган ойлар натижаларида кўзга ташланди. Бироқ «Известия» совхози, «Победа», «Правда» колхозларида ҳали кўп иш қилиш керак. Бу хўжаликларнинг бошланғич партия ташкилотлари ҳақиқий жанговарлик кўрсатишлари зарур.

Ишонч! Жуда кўп нарса ана шу туйғуга боғлиқ. Бугун районда одамлар улуғ йўлдан, мамлакат коммунистларининг XXVII съезди бошлаб берган шарафли йўлдан ишонч билан қадам ташлаяптилар. Бу келажакка, нурли истиқболга, ҳаққониятга интилишдир.

## МАСЪУЛИЯТ

Қудратнинг ёши ҳали қирққа етган эмас. Лекин уни пахтачиликда қирқ йиллик тажрибаси бордек ҳурмат қилишади. Меҳнат ветеранлари Холбек Қодирқулов, Али Жамолов унга ўзларига ишонгандек ишонишади.

— Ҳақиқатан раисга ёлчимаган эдик, — деди колхознинг умумий йиғилишида Холбек ота. — Деҳқон ҳафсаласиз бўлса, ернинг шўри, раис бепарволик қилса, сизу бизга жабр. Қараб турсам бир тўхтамга келишларингиз қийин. Битта таклифим бор: раисликка Қудратни сайлайлик, хато бўлмайди.

Отахоннинг таклифини район партия комитети ҳам, колхозчилар ҳам қувватлашди. Қудрат Ҳусанов аввал хўжалик иқтисодини ўрганди. Қарийб 1,5 миллион сўм қарзи бор экан. Бундай аҳволда одамларга ёлчитиб ҳақ бера оладими? Демак, чорвани кўздан қочирмаслик, пиллани унутмаслик шарт. Пахтачиликка эртароқ киришмоқ зарур.

Ўн иккинчи беш йилликнинг тўққиз ойи ортда қолди. Бу даврда қилинган ишлар, ташвишларни хатласак, қоғоз камлик қилади. Гапнинг мухтасари шуки, қарз роппа-роса 500 минг сўмга камайди.

— Сабабсиз оқибат бўлмайди, нимадан бошлаб, нимага қараб одимладингизлар? — сўраймиз раисдан.

— Масъулиятдан бошлаб, масъулиятга қараб юряпмиз, — деди у. — Колхозда 156 нафар коммунист бор. Улар давр талабини тушуниб, масъулият билан ишлаяптилар. Бошқалар уларга эргашишмоқда.

Раисдан ўзи ҳақида сўрасак, индамайди. Ташаббускор кадрлар хусусида гап борса, содда тил билан: «Колхозни шулар тиклашяпти», — дейди.

10-бригада ўтган йили планни барбод қилди. Қўшни коллективларда хирмон юксалгани ҳолда 10-бригадада план 63 процентда қолиб кетди. Колхозчилар айб бригадирда дейишди:

— Агар у омилкор бўлганда, ишимиз ортга кетмасди.

— Бўлмаса, бошқа кишини сайланглар, — деди бригадир Э. Ҳайитов.

Кўп ўйлашди. Айтган кишилари кўнмади. Бригадирнинг эса қадди кўтарилиб бораверди. Шунда етти боланинг онаси Зайнаб Ҳайдарова ўрнидан турди.

— Биз ориятни топтаб қўйдик, — деди у. — Ҳақиқатан ҳам бригадир ишламади. Йўлбошчи анқов бўлса, ҳар қандай йўлчи ҳам адашади, деганлар.

— Аввал ишлаб кўринг, кейин гапирасиз, — деди Э. Ҳайитов.

— Ишлаганим бўлсин. Масъулият қанақалигини бир кўрсатай!

Ҳамма қўл кўтарди. Зайнаб Ҳайдарова далаларидаги ғўза районда энг аввалги. Ҳосил мўл-кўл. Баъзилар «омад-да» дейишади. Аслида омадни ҳам кишининг ўзи яратади.

«Москва» колхозида қайта қуриш моҳиятини, масъулиятини чуқур англаётганлар кўп. Ҳасан Турдиев, Норбўта Бойсариев бошлиқ бригадаларда бўлганимизда бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

## ТАҲЛИЛ

Нарпай район партия комитети иш услуби ва усулларини қайта қуришга жиддий киришган. Юқорида унинг партия сафини ўстиришга талабчанлик билан қараётганини, кадр танлашда халқ билан бирга эканлигини таъкидладик. Райком ҳар бир тадбир, йиғилиш, пленум, актив ўтказишга ҳам ана шундай ёндашмоқда. Илгари бир неча соатлаб ўтадиган йиғилишлар, дасталаб қабул қилинадиган қарорлар чекланди. Ихчамлик, аниқлик унинг шиорига айланди.

Райком бюроси мажлиси. «Ўзбекистон» колхозининг бригадири, республика Олий Совети депутати Розия Маҳмудова жиддий хаёл суради. У ёш бўлишига қарамай, ҳалол меҳнати, заҳматкашлиги билан обрў қозонди. Мана, энди бюро аъзоси сифатида улкан ишлар ҳақида ўйлаяпти, бош қотиряпти.

Розия стол устидаги дафтарчага катта-катта ҳарфлар билан «таҳлил» деб ёзади. У эҳтимол шу лаҳзада ўзи бошқараётган коллективдаги ишларни таҳлил этишни кўнглига туйгандир. Йўқ, у ҳозир бюро мажлиси кун тартибидаги масала таҳлилини ўйлаяпти. Чунки бюро аъзолари магистрал газ йўллари Зирабулоқ бошқармаси партия ташкилоти фаолиятини принципиаллик билан таҳлил этдилар.

Аввало, партком секретари Н. Тошназаровнинг иши қониқарсиз деб топилди. У ҳисоб берар экан, «маъмурият ишига унча аралашмаганмиз» деди. Хўш, унда маъмурият фаолиятини назорат қилувчи комиссиялар қандай иш билан шуғулланди? Афсуски, ҳеч қандай. Чунки шундай комиссиянинг ўзи тузилмаган. Бунинг устига партия ташкилотида раҳбар кадрлар ҳисоботини тинглаш йўлга қўйилмаган. Натижада меҳнат интизоми издан чиққан, кадрлар билан ишлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бошқармада 6 киши махсус маълумотга эга бўлмагани ҳолда инженер-техник ходимлар қаторига қўшиб қўйилган. Раҳбар ва мутахассислар орасида хотин-қизлар 9 процентни ташкил этади, холос.

Шу йилнинг ўтган ойларида 77 киши меҳнат интизомини бузди. 13 киши иш пайтида спиртли ичимлик ичиб, обрўсига путур етказди. Улардан уч нафари коммунист. Партия ташкилоти эса келишувчанлик позициясида турди.

Корхонада ёшлар билан ишлаш ҳам унутилган. Акс ҳолда 64 нафар йигит-қиз меҳнат қилгани ҳолда уларнинг фақат 23 нафари комсомолга қабул қилинганини қандай изоҳлаш мумкин?! Комсомол ёшидаги йигит ва қизларга ғамхўрлик, меҳрибонлик кўрсатилмаяпти, уларнинг куч-ғайратлари залворли вазифалар ижросига йўналтирилмаяпти.

Бу ерда партия сафини ўстиришга ҳам эътиборсизлик билан қаралади. 1985 йилнинг август ойида М. Букатов КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Орадан уч ой ўтар-ўтмас унинг хатти-ҳаракати, шахсий иши йиғилишда муҳокама этилди. Буларнинг ҳаммаси партия ташкилоти фаолиятини бутунлай қайта қуриш зарурлигини кўрсатди.

Бюро мажлисида бу камчиликлар фош этилиши билан бирга, уларга барҳам бериш чоралари кўрилди, айбдорларга партиявий жазо берилди.

— Бугун биз учун катта сабоқ бўлди, — деди бошқарма бошлиғи А. Набиуллин. — Камчиликларни қисқа фурсатда тугатамиз. Истардикки, район партия комитети бизга амалий ёрдам кўрсатса, райком ходимлари аҳволни тузатишга амалий жиҳатдан кўмаклашсалар.

Розия Маҳмудова ён дафтарига: «Тўғри. Ёрдам бериш шарт», — деб ёзади. Бюро мажлиси якунланади. Олдингидек гапбозлик, қоғозбозлик йўқ. Ҳаммаси партиявий ишчанлик асосида ўтди.

Демак, районда қайта қуришга чинакамига киришилган. Ишонч, масъулият сингари юксак туйғуларни таянч нуқталари деб билган коммунистлар бу ишни сабот билан амалга оширмоқдалар.

**Ж. МАМАТОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**



Чирчиқдаги «Ўзбекхиммаш» заводида иссиқлик алмашлаш аппаратлари учун қувурсимон тешикли панжаралар тайёрланадиган ихтисослашган участка ишга туширилди.

Янги участканинг ишга туширилиши шартли равишда ўн кишини озод қилиш ва улар ёрдамида ишни икки ва уч сменада ташкил этиш имкониятини туғдирди. Жорий қилинган янгиликлар корхонада меҳнат унумдорлигини 2,5 марта ўстирди.

Суратда: 2-механика цехи бошлиғининг ўринбосари А. Эшматов (чапда) ва участка бригадири Р. Штромайер тайёр ускуналарни кўздан кечирмоқда.

Р. Шамсутдинов фотоси (ЎзТАГ).

## ФАН-ТЕХНИКА КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

6 октябрь куни Тошкентда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ер ости усулида кўмир қазиб чиқаришни ривожлантириш масалалари юзасидан илмий-техникавий кенгашининг 46-мажлиси очилди. Унда Болгария, Венгрия, Вьетнам, Польша, Совет Иттифоқи, Чехословакия, шунингдек Югославия мутахассислари қатнашмоқдалар.

Кенгаш раиси, Совет делегацияси раҳбари Н. А. Петровнинг таъкидлашича, кенгаш 20 йилда саксондан зиёд йирик мавзуларни тайёрлади, уларнинг самараси етти миллион сўмдан ошиб кетади. Ички ресурслардан мумкин қадар тўлароқ фойдаланиш вазифалари кенгашнинг диққат марказида турибди. Тошкентдаги мажлисда ер остидан кўмир қазиб чиқаришни механизациялаш, шу жумладан микропроцессорлардан фойдаланиб кўмир қазиб чиқариш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Беш кун давом этадиган мажлис программасига тажриба алмашиш, «Ангрен» кўмир кони ва «Подземгаз» станцияси билан танишиш киритилган. (ЎзТАГ).

## ГАЗЕТАДА БОСИЛГАН МАТЕРИАЛЛАР — «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» НАЗОРАТИДА

Ҳар куни редакциямизга кўплаб хат-хабарлар, ташвишли сигналлар келиб туради. Шу билан биргаликда тегишли ташкилотлардан меҳнаткашлар ариза ва шикоятлари ҳамда газетада босилган танқидий ва проблематик мақолалар юзасидан ҳам жавоблар олинмоқда. Шулардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

**САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:**

**— Газетанинг шу йил 11 июнь сонида босилган «СЕКРЕТАРНИНГ ОБРЎСИ» сарлавҳали мақолада область партия ташкилотлари фаолиятида юз бераётган қайта қуришнинг актуал масалалари тўғри кўрсатиб ўтилган. Мақола область партия комитетининг партиявий-ташкилий ишлар бўлимида бўлиб ўтган кенгашда муҳокама этилди. Бунда район партия комитетларининг иккинчи секретарлари ва бўлим мудирлари, шунингдек, район ва шаҳар партия комитетлари аппарат ходимлари, бошланғич партия ташкилотлари секретарлари иштирок этишди.**

**Ургут район партия комитети бюроси мақолани кўриб чиқиб, уни тўғри деб тан олди. Ишда камчиликларга йўл қўйганлиги учун Ильич номли совхоз партия комитети секретари З. Камаровга танбеҳ берилди.**

**Жомбой районида қатор хўжаликларнинг бошланғич партия комитетлари секретарлари ўзгартирилди. Бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш ишлари активлаштирилмоқда, партиявий фаолиятнинг усул ва формалари яхшиланяпти.**

**Область партия комитети КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди талаблари асосида партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан ишлар олиб бораётир.**

**БУХОРО ОБЛАСТЬ НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ:**

**— Газетанинг шу йил 20 август сонида босилган «БЕНЗИННИ ТУЯ ҚИЛГАНЛАР» сарлавҳали мақола бошқарманинг кенгайтирилган кенгашида ва коллективнинг умумий йиғилишида муҳокама қилинди. Стрелкачи И. Жўраев, дизелчи М. Адизовга қаттиқ виговор берилди. Қоровуллар бошлиғи И. Сувоновга ҳайфсан эълон қилинди. 1-АЗС катта оператори И. Баҳранов вазифасидан бўшатилди ва электр слесарликка ўтказилди. Операторлардан И. Жамолов ва Т. Камоловлар ишончни йўқотганлиги учун ишдан бўшатилдилар. Камчиликларни бартараф этиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриляпти.**

**РЕДАКЦИЯДАН:**

Газетанинг шу йил 19, 20 ва 22 август сонларида босилган «ЯНГИЧА ИШЛАШ — ЗАМОН ТАЛАБИ» сарлавҳали туркум мақолаларда Шовот районидаги айрим бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида қайта қуришдаги янгилик куртаклари, ташаббус, ижодий изланиш, шижоат кўзга ташланаётганлиги қайд этилганди. Шу билан биргаликда улар фаолиятида ҳали эскича ишлаш, консерватизм, сусткашлик барҳам топмаганлиги, сўз ва иш бирлиги таъминланмаганлиги кўрсатиб ўтилган эди.

Бироқ мақола юзасидан **ШОВОТ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ**дан олинган расмий жавоб редакцияни қониқтирмайди, чунки у юзаки ёзилган ва конкретлик йўқ. Жумладан, мазкур жавобда қайд этилишича, туркум мақолалар газетада танқид қилинган бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида муҳокама қилинган, нуқсонларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар белгиланиб, уларни амалга оширишга киришилган.

Шу ўринда савол туғилади. Хўш, қандай конкрет тадбирлар белгиланди? Редакция аниқ жавоб кутади.

## дунё воқеалари

### Э. ХОНЕККЕР ҚАБУЛ МАРОСИМИДА НУТҚ СЎЗЛАДИ

**БЕРЛИН,** 8 октябрь. (ТАСС). ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Эрих Хонеккер КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев билан яқинда Москвада бўлиб ўтган учрашувнинг аҳамияти муҳимлигини таъкидлади. ГДРнинг миллий байрами — немис социалистик давлати ташкил этилганлигининг 37 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали қабул маросимида нутқ сўзлаган Э. Хонеккер немислар диёридан энди ҳеч қачон уруш хавфи чиқмаслиги учун имкони бўлган ҳамма ишни қилиш зарурлиги тўғрисида Совет Иттифоқи билан ГДР якдил фикрни изҳор этганликларини билдирди.

Нотиқ Рейкьявикда бўлажак Совет — Америка учрашуви тўғрисида гапириб, СССР билан АҚШ ўртасида муҳолифликни бартараф этиш, ҳамкорликни кенгайтириш иккала мамлакат учунгина эмас, шу билан бирга бутун инсоният учун ҳам катта аҳамиятга эгадир, деди.

### АРГЕНТИНАДА ЎЗБЕКИСТОН ТЎҒРИСИДАГИ ВИСТАВКА

**БУЭНОС-АЙРЕС, 8 октябрь (ТАСС). Аргентина пойтахтининг марказий виставка павильонларидан бирида очилган экспозиция «Бугунги Ўзбекистон» деб аталади.**

Экспозицияда СССР халқлари кўпмиллатли оиласидаги республикадан бирининг ҳаёти тўғрисида, маориф ва соғлиқни сақлаш системасининг ривожланиши, уй-жой қурилиши ҳақида, Ўзбекистоннинг оддий меҳнат кунлари тўғрисида тасаввур берувчи кўпдан кўп фотосуратлар намойиш қилинмоқда. Ранг-баранг гиламлар, керамика буюмлари, бронза кандакорлиги ва ёғоч ўймакорлиги намуналари, халқ ҳунармандчилиги ижодиётининг бошқа буюмлари томошабинларнинг эътиборини жалб қилмоқда.

Экспозиция Аргентина билан СССР ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 40 йиллигига бағишланиб Аргентинада ўтказилаётган Совет маданияти ҳафталиги доирасида ташкил этилган. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг делегацияси ҳафталикда қатнашиш учун Буэнос-Айресга келди. Шу жамият президиуми раисининг ўринбосари, «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори Л. П. Қаюмов делегацияга бошчилик қилмоқда.

Делегация составига Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган «Баҳор» давлат халқ рақс ансамбли киритилган. Машҳур коллективнинг Аргентина пойтахтидаги биринчи концертини томошабинлар зўр олқишлар билан кутиб олдилар. Ўзбек ансамбли Мендоса, Кордова ва Сан-Хуанда ҳам концертлар беради.

### Социализм мамлакатларидан янгиликлар

**● БЕРЛИН**

СССР ва ПХР мутахассислари ёрдами билан ГДРнинг Еншвальд шаҳрида (Котбус округи) қурилган энг катта иссиқлик электр станцияларидан бири дўстлик қурилиши сифатидагина эмас, шу билан бирга унинг территориясида... форель балиғи боқилиши билан ҳам машҳурдир. Мана шу қимматли, лекин жуда нозик балиқ зилол оқар сувда яшаши маълум. Еншвальд электр станцияси ер ости суви билан таъминланади. Станция ҳар куни ўн минг кубометрга яқин сув ишлатади. Шу сувнинг ярми форель питомниги орқали ўтади. Питомник барпо этилганидан бери ўтган уч йил ичида 150 тоннадан ортиқ форель балиғи етиштирилди.

**● ВАРШАВА**

Пиль воеводлиги йўлларида Польшанинг янги моделдаги дизель моторли «Тарпан-239» автомобили юргизиб синала бошлади. Чоғроқ кузов билан ускуналанган бу машина қишлоқ шароитларида одам ва юк ташишга мўлжалланган. Унга монтаж қилинган дизель мотор бензин ўрнига анча арзон ва тежамли ёнилғи ишлатишга имкон беради. (ТАСС).

### Телетайп лентасидан

● КОБУЛ. Бахтар ахборот агентлигининг хабар қилишича, яқинда Лоҳар, Жузжон ва Парвон вилоятларининг яна 830 деҳқони ерга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатга эга бўлди. Улар бундан буён ҳам АДРда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга, илғор иқтисодий ўзгартишларни амалга оширишга кўмаклашаверамиз, деб Афғонистон ҳукуматига ваъда бердилар.

Қишлоқ аҳолиси астойдил қўллаб-қувватлаётган ер-сув ислоҳоти иккинчи босқичини амалга ошириш АХДП ва Афғонистон ҳукуматининг бош вазифаларидан биридир. Ҳозиргача 330 мингдан кўпроқ деҳқон текин фойдаланиш учун давлатдан ер олди.

● ҚОҲИРА. Миср мутахассислари баланд Асвон тўғонига ва у вужудга келтирган Носир кўлига туташ районларнинг биринчи муфассал харитасини тайёрладилар. Сунъий кўл жуда катта чучук сув резервуари бўлиб қолди, у Мисрни Нил дарёсининг вайронагарчилик келтирувчи қаттиқ тошқинларидан ҳам, шунингдек, ҳалокатли қурғоқчиликлардан ҳам неча марталаб қутқариб қолди. Кўлнинг суви бир вақтлар чўли биёбон бўлиб ётган неча минглаб гектар ерга об-ҳаёт берди. Сув омбори МАРдаги асосий балиқчилик районларидан бири бўлиб қолди. Бироқ унинг имкониятларидан асло тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Аэрофотосъёмка ва ердаги тадқиқотлар ёрдамида олинган харитада келтирилган маълумотлар юқори Мисрдаги жуда катта районларни саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги жиҳатидан ривожлантириш учун кўл ва Асвон ГЭСининг имкониятларидан яна ҳам самаралироқ фойдаланиш имкониятини беради.

● ИСТАМБУЛ. Туркиянинг АҚШ билан савдо-сотиқдаги сурункали камомади Туркия экономикасига оғир юк бўлиб тушмоқда. Шу йилнинг дастлабки олти ойи ичидагина бу камомад 400 миллион долларни ташкил этди ва ҳамон ортиб бормоқда.

Давлат планлаштириш ташкилотининг маълумотларига кўра, биринчи ярим йилликда Туркия бозорларига Америка товарлари оқими 10 процент кўпайди, АҚШга мол чиқариш эса худди шу давр мобайнида 17 процент камайди. Туркия экономистларининг фикрича, Қўшма Штатларнинг манфаатпарастлик сиёсати шундай аҳволга сабаб бўлмоқда. Қўшма Штатлар Туркияни тенг ҳуқуқли савдо шериги сифатида тан олишни истамаяпти. (ТАСС).

## ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН

«Қайта қуришни чуқурлаштирайлик, иш суръатини оширайлик» тўплами босилиб чиқди. Унга М. С. Горбачевнинг 1986 йил 17—19 сентябрда Кубань ва Ставрополь ўлкасида бўлиши ҳақидаги материаллар киритилган.

Тўпламда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Краснодар ўлкаси партия активлари билан учрашувида сўзлаган нутқи, Кубань ва Ставрополь меҳнаткашлари билан учрашувлар ва суҳбатлар ҳақидаги хабарлар, бошқа материаллар эълон қилинган.

Китобча Сиёсий адабиёт нашриётида чиқарилди.

**(ТАСС).**

## КПСС ҳужжатлари тўплами

«КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет Пленумлари резолюциялари ва қарорлари» тўплами тўққизинчи нашрининг ўн биринчи томи босмадан чиқди. Тўпламни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти ва КПСС Марказий Комитетининг Умумий бўлими тайёрлаган. Китобга киритилган партиянинг муҳим ҳужжатлари унинг 1966 йил январидан 1970 йил декабригача бўлган даврдаги кўп қиррали фаолиятини акс эттиради.

Китоб етти йиллик план (1959-1965 йиллар) бажарилиши, КПСС XXII съезди қарорларининг амалга оширилиши якунларини чиқариб, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966-1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани директиваларини қабул қилган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIII съезди материаллари билан очилади.

Китобдаги ҳужжатларда КПССнинг ташкилотчилик ишларини кучайтириш, давлат, хўжалик, жамоат ташкилотларига партиявий раҳбарликни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган масалалар акс этган.

Китобдаги кўпгина ҳужжатлар партиянинг социалистик ҳамдўстлик мамлакатларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, жаҳон майдонида уларнинг роли ва таъсирини оширишга қаратилган йўлини кўрсатиб беради. КПСС ва Совет давлатининг тинчликсевар сиёсатини Коммунистик ва ишчи партияларнинг 1969 йилда Москвада бўлиб ўтган халқаро кенгаши қўллаб-қувватлади.

Китобга саккизинчи нашрида эълон қилинмаган бир қанча ҳужжатлар киритилган.

Китоб Сиёсий адабиёт нашриёти томонидан чиқарилди.

(ТАСС).

## ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Бокуда бўлиб ўтган «Тинчлик учун курашувчи мусулмонлар» халқаро конференцияси қатнашчиларининг бир группаси республика ҳаёти билан танишмоқда.

Меҳмонлар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига бордилар, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

Конференция қатнашчилари 6 октябрь куни Ўзбекистон ССР Олий Советида қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

*Қишга қандай тайёргарлик кўряпсиз?*

# УЮШҚОҚЛИК

УЙЧИ ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош энергетиги Анасхон Назаров, қозонхона бошлиғи Икром Шариповларнинг ёз ойларида серташвиш кунлари кўпроқ бўлади. Бинобарин, қишки мавсумга шу кунларда қанча пухта тайёргарлик кўрилса, совуқ тушган кезларда энергетикларга ҳам, бирлашма коллективига ҳам баракали ишлаш учун шунчалик қулайлик яратилади.

Бу соҳада уларнинг ўз тажрибаси бор. Ўтган йили ҳам мавсумга пухта ҳозирлик кўрилди. Натижада бутун қиш давомида корхона бир меъёрда ишлади. Планларни бажаришда узилиш бўлгани йўқ. Филиалларда ҳам қиш тараддудига алоҳида эътибор қилинади.

Бу асосий фондлардан унумли фойдаланиш, маҳсулот сифатини ошириб бориш, штурмчиликка барҳам бериш имконини яратади. Тўққиз ойлик план муваффақиятли бажарилгани — қишки ойларда бунга мустаҳкам замин яратилганининг ўзига хос натижаларидан бири. Пландан ташқари 1 миллион 246 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Маҳсулот турлари кўпайди. «Янгилик» белгиси қўйилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ортиб бормоқда.

Ҳозир бирлашмада кузги-қишки мавсумга тайёргарлик юзасидан ишлаб чиқилган тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Тадбирларнинг бажарилиши маъмурият ва жамоат ташкилотлари томонидан мунтазам назорат қилиб борилмоқда. Ипак эшиш цехида иситиш системаси барвақт ремонтдан чиқарилди. Барча электр ускуналарнинг техник ҳолати кўздан кечирилди. Трансформаторлар, электр колориферлар созлиги текширилди. Ишдан чиққанлари янгиларига алмаштирилди ёки яхшилаб ремонт қилинди.

Пиллакашлик цехида қишга ҳозирлик катта масъулият талаб қилади. Негаки, цехнинг томида жойлаштирилган ҳаво сўрувчи вентиляторнинг атрофини ёпиш, қишда ҳам ҳароратнинг ёздагидек мўътадиллигини таъминлаш муҳим. Бусиз маҳсулот сифатининг стандарт талаблари даражасига эришиб бўлмайди. Шунинг учун бу ерда ишлар жадал олиб борилди. Ҳозироқ цех ишга тахт қилиб қўйилди.

Қозонхона хўжалиги коллективи бирлашмадаги барча иссиқлик ўтказиш тармоқларини ремонтдан чиқарди. Иссиқлик узатувчи 200 метр узунликдаги турбопроводлар изоляция материаллари билан ўралди. Қозонхонанинг ташқи қисми мукаммал изоляция қилиниб, бўяш-пардозлаш ишлари барвақт бажарилди. Сув насоси созланди. Учта қозон агрегати қириндилардан тозаланди.

Қиш тараддуди давомида кўпгина ишчилар ўз вазифаларига сидқидилдан муносабатда бўляптилар. Газ пайвандчи Абдураҳмон Сатторов пешқадамлар даврасини бошқариб бормоқда. Унинг ҳамкасби Турғун Искандаров ишни тез бажариш билан эътибор қозонган. Энг муҳими, уларнинг бажараётган ишлари сифати яхши баҳоланмоқда. Сантехник Содиқ Исмоилов, токарлар Абдуғаффор Мамажонов билан Баҳодир Каримов алоҳида ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

— Қишга тайёргарлик ишлари мусобақа асосида ташкил этилган, — дейди бирлашма директори С. Дадахонов. — Ғолиблар маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириб борилмоқда. Қишга тайёргарлик ишларининг бориши ҳар ўн кунда кўриб чиқилиб, натижалар таҳлил қилиняпти. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Илғорларнинг тажрибалари «Жанговар варақалар» саҳифаларида кўрсатиб борилмоқда.

Ҳозир пардозлаш ва чиқиндиларни қайта ишлаш цехларида иситиш системаси монтажи тугалланиш арафасида. Бирлашма филиалларида ҳам қишга ҳозирлик уюшқоқлик билан олиб борилаётир.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги ва тармоқ ходимлари касаба союзи республика комитети кўчма Қизил байроғини қўлда сақлаб келаётган корхона меҳнаткашлари ишни КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномаси асосида ташкил этганлар, қишга ҳозирлик ишларини сифатли бажариш, вақтида тугаллаш ўн иккинчи беш йиллик учун қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишига ёрдам бермоқда.

**Ф. ЙЎЛЧИЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.**
**Наманган области.**

